

**ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ
ЎЗГАРУВЧАН ХУСУСИЯТИ, ТУРЛАРИ, ИЛМИЙ ТАВСИФИ, ТАСНИФЛАРИ ВА
НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ.**

Нуртулашев Мансур Журабаевич

Низомий номидаги ТДПУ Ижтимоий фанлар кафедраси в.б доценти

Аннотация: *Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам глобаллашув жараёни ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро ташкилотлар ва етакчи давлатлар билан очиқ, прагматик ва дўстона муносабатларни ўрнатаётганлиги катта аҳамиятга эга. Буни Ўзбекистон Республикасининг глобал платформа ҳисобланган Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлишга интилаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин.*

Калит сузлар: *Глобаллашув, интеграция, геосиёсий, ҳуқуқ, жамият, ижтимоий-маданий, миллий-маданий, ўзига хослик, экологик инқироз, прогресс, илмий башорат.*

**МЕНЯЮЩИЙСЯ ХАРАКТЕР, ВИДЫ, НАУЧНОЕ ОПИСАНИЕ, КЛАССИФИКАЦИИ
И ФОРМЫ ПРОЯВЛЕНИЯ ГЛОБАЛИЗАЦИИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ
ОБЩЕСТВЕННОГО РАЗВИТИЯ.**

Нуртулашев Мансур Джурабаевич

и.о. доцента кафедры общественных наук ТДПУ им. Низоми.

Резюме: *Процесс глобализации оказывает влияние на политическую, социально-экономическую и культурную жизнь нашей страны. Большое значение имеет установление правительством Республики Узбекистан открытых, прагматичных и дружественных отношений с международными организациями и ведущими странами. Мы видим это в том, что Республика Узбекистан пытается стать членом Всемирной торговой организации (ВТО), которая считается глобальной площадкой.*

Ключевые слова: *Глобализация, интеграция, геополитическое, право, общество, социокультурное, национально-культурное, идентичность, экологический кризис, прогресс, научное прогнозирование.*

**CHANGING CHARACTER, TYPES, SCIENTIFIC DESCRIPTION, CLASSIFICATIONS
AND FORMS OF THE MANIFESTATION OF GLOBALIZATION IN ENSURING SOCIAL
DEVELOPMENT.**

Nurtulashev Mansur Dzhurabaevich

acting Associate Professor of the Department of Social Sciences, TDPU named after Nizomi.

Resume: *The process of globalization has an impact on the political, socio-economic and cultural life of our country. Of great importance is the establishment by the government of the Republic of Uzbekistan of open, pragmatic and friendly relations with international organizations and leading countries. We see this in the fact that the Republic of Uzbekistan is trying to become a member of the World Trade Organization (WTO), which is considered a global platform.*

Key words: *Globalization, integration, geopolitical, law, society, socio-cultural, national-cultural, identity, ecological crisis, progress, scientific forecasting.*

Бугун бутун дунёда сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий соҳаларда глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Кенг маънода, дунё мамлакатлари миқёсида интеграциялашув ва универсаллашув жараёнлари яхлит, умумий ва оммавий цивилизация яратилишига олиб келди. Глобаллашув жараёнлари сабабли бугунги кунда дунёнинг янги қиёфаси мураккаб глобал манзараси яратилмоқда. [3, -Б.676-688] Глобал макондаги ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир халқ ва турли этник-худудий бирликлар миллий идентикликнинг негизий элементлари бўлган маданий ўзига хослик, тил, санъат, маънавий категориялар мазмунида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтириб глобаллашув жараёни таъсирида мазкур масала янада кескин тус олмоқда. [4, -Б.113-116]

Халқаро миқёсда юз бераётган йирик давлатлар ўртасидаги геосиёсий манфаатларда глобаллашув ўзининг мураккаб характерини ҳам намоён этмоқда. [5, -Б. 1690-1694] Бу эса ҳар бир глобал воқеликка дунё бўйича ягона ёндашув, глобал тафаккур тарзи шаклланаётганлигини кўрсатади.

Жаҳоннинг етакчи илмий муассасаларида глобаллашув жараёнига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, глобализацияни тадқиқ этувчи Йел маркази (АҚШ), Глобализация, ҳуқуқ ва жамият маркази (АҚШ), Глобализация тадқиқот маркази (Буюк Британия), Глобализация ва тараққиёт бўйича Гутенбург маркази (Швейцария) каби етакчи тадқиқот марказларининг илмий изланишлари диққатга сазовор. Мазкур тадқиқот марказларида жаҳон бўйича ўсиб бораётган глобаллашувнинг сиёсат, иқтисодиёт, халқаро савдо-сотиқ, хавфсизлик ва атроф-муҳитдаги глобал иқлим ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқ томонларининг оқибатлари ўрганилмоқда. Табиийки, айти шу ҳолат мазкур йўналишдаги тадқиқотларни республикамиз шароитида ҳам ўрганишни тақозо қилади. Бу эса глобаллашувнинг ҳали-ҳануз аниқ параметрларга эга бўлмаган хусусиятларини янги илмий мезонлар асосида ўрганишни долзарб вазифа сифатида қўяди. [6, -Б. 1373-1377]

Мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига ҳам глобаллашув жараёни ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси

хукуматининг халқаро ташкилотлар ва етакчи давлатлар билан очиқ, прагматик ва дўстона муносабатларни ўрнатаётганлиги катта аҳамиятга эга. Буни Ўзбекистон Республикасининг глобал платформа ҳисобланган Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлишга интилаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимиз учун янги имкониятларни очади. Булар: туризмнинг ривожланиши, интеграциялашув имкониятларининг кенгайиши, чекловларнинг камайиши, хорижий инвестицияларнинг қўллаб-қувватланиши, давлат монополиясининг қисқартирилиши кабилар. Зеро, «...бундай эзгу фикр ва интилишлар ён-атрофдаги халқлар ва давлатларга нисбатан асосиз даъволар ёки ўз қобиғига ўралиб олишга сабаб бўладиган протекционизм ва изолюционизм тамойилларидан мутлақо холидир»[1, -Б.11-19] Шу нуқтаи назардан, жамиятнинг барча соҳаларига бирдай алоқадор бўлган глобаллашув жараёнларини синергетик таҳлил қилиш зарурати вужудга келади.

Мустақил илмий йўналиш ва ижтимоий амалиёт соҳаси сифатида глобал тадқиқотлар XX асрнинг 60 йиллари охиридан шакллана бошлади. Инсоният учун атроф-муҳитнинг мисли кўрилмаган ифлосланишининг ортида аҳолининг ўсиши, қуролланиш пойгаси, табиий ресурсларнинг тугаши ва бошқа хавfli тенденциялар мавжуд бўлиб, улар прогрессив ижтимоий тараққиётга ва ҳаттоки ер юзида ҳаётнинг мавжудлигига жиддий хавф туғдиради. Экологик таҳдид нафақат маълум бир жойга тегишли муоммо балки, бутун дунёни кенг қамраб олувчи миллий хусусиятларга ҳам таъсир этувчи глобал муоммолар саналади [7, -Б. 116-120]

Натижада «экология», «экологик инқироз», «замонамизнинг глобал муаммолари», «глобаллашув», «антиглобализм» ва бошқа тушунчалар кенг тарқалиб, илмий ҳаётга кириб борди ва дунёнинг деярли барча тиллар луғатларидан жой эгаллади. Улар кундалик онгнинг ажралмас қисмига, замонавий инсон дунёқарашининг атрибутига айланди. Зеро, «Атрибут – субстанциянинг ўзгармас, ажралмас ва абадий хоссасидир. Ўз атрибутидан ташқарида субстанция мавжуд бўла олмайди» [8,-Б.18]. Йилдан-йилга бутун дунё бўйлаб ушбу мавзуларга бағишланган нашрлар, илмий конференциялар сони кўпайиб бормоқда ва бундай тадбирлар илмий ҳамда жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу тадқиқотлар жуда тез дунё миқёсида шуҳрат қозонди ва замонавий глобал тадқиқотларнинг назарий асосига айланди.

Жаҳон миқёсида олиб борилган глобаллашув соҳасидаги тадқиқотлар, жаҳон иқтисодий муносабатларини ягона тизим сифатида шакллантириш тенденциялари ҳақидаги фикрлар сўнгги йилларда сезиларли даражада кенгайди ва чуқурлашди.

Глобал макондаги ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир халқ ва турли этник-худудий бирликлар мазмунида ҳам муайян ўзгаришларни юзага келтирмоқда.[9, -Б. 6480-6487] Миллий идентикликнинг негизий элементлари бўлган маданий

ўзига хослик, тил, санъат, маънавий категориялар мазмуни ҳам ўзгармоқда [10, - Б. 142-150]

Умуман олганда, глобаллашувнинг ижтимоий-маданий трансформацион хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Миллий-маданий ўзликни англаш муаммолари долзарб бўлиб бормоқда. Миллий-маданий қадриятларнинг инсоният цивилизацияси меъёрлари билан қарама-қаршилиги замонавийликнинг асосий қарама-қаршилиги ва асосий вазифасидир. Замонавий глобаллашув суръатларининг ошиб бориши муносабати билан дунё маданиятидаги анъаналар ва инновациялар, миллий ўзига хослик ва давлат суверенитетини сақлаш муаммолари жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Миллий-маданий ўзига хослик бу маданиятлараро алоқа, халқларнинг замонавий дунёга бирлашиши демакдир.

2. Глобаллашув шароитида янги юқори технологиялар, электрон телекоммуникация ва компьютер технологияларининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Қитъалар ва давлатларни бир-бирига яқинлаштирадиган янада тежамкор ҳамда тезюрар транспорт пайдо бўлиб, трансчегаравий алмашинувни тез суръатлар билан ўсишига замин яратади. Ахборот, капитал, товарлар ва хизматлар оқимлари, одамларнинг ҳаракатчанлиги, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ҳамда корпорацияларнинг фаолияти, мамлакатдан мамлакатга оқиб ўтаётган глобал алоқа ва ахборот тизимлари глобал дунё иқтисодиётининг «томир тизими»ни ташкил қилади.

3. Адолатли ҳуқуқий давлат ғоясини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар пайдо бўлади. Замонавий давлатлар нуфузли халқаро ташкилотларга тобора кўпроқ ваколат бермоқда. Шу билан бирга, миллат-давлатлар заифлашмоқда; трансформацион жараёнлар уларнинг суверенитетининг пасайиши ва ўзгаришига ёрдам беради.

4. Давлат ва нодавлат ташкилотлари, халқаро институтлар моддий неъматлар ишлаб чиқаришга кирмаса ҳам бошқарув фаолияти билан шуғулланадилар, тизимли элементларни ярадилар ва ижтимоий-сиёсий воқеликни қуриш усулларини ишлаб чиқадилар. Ривожланаётган ижтимоий-сиёсий маданият мавжуд динамизм, мослашувчан рационаллик ва бошқарувнинг янги сифатидан тубдан фарқ қилади.

5. Глобаллашувнинг трансформацион жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларида ўзгаришларга олиб келади. Ушбу ўзгаришларнинг марказида интеграция, бирлик ва хилма-хилликка интилиш туради.

Глобаллашувнинг интеграциялашувга хизмат қиладиган узлуксиз тенденциялари, кенг қамровли мураккаб ўзгаришлари, кўп ўлчовли элементлари ва ночизиқли тафаккурни шакллантириш жамият тараққиётига объектив таъсир этиши фалсафий аҳамият касб этади. Зотан, глобаллашув шароитида инсон-машина ва инсон-сунъий интеллект моделларининг синергетик тадқиқи глобаллашувнинг мазмун-моҳиятини ўрганишнинг илмий-

фалсафий асосларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда, глобаллашув онтологик нуқтаи назардан космополитик характерга эга бўлган ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида цивилизациянинг муқобили эканлиги, шунингдек, тараққиёт ва ривожланиш (диалектика)нинг мазмун-моҳиятини синергетик жиҳатдан таҳлил этишни заруриятга айлантирадиган объектив жараён, барча глобал ўзгаришларнинг фундаментал асоси эканлиги асосланади ва яхлит илмий таъриф берилади.

1. Глобалистика фани доирасида глобаллашув феноменининг онтологик, гносеологик ва эпистемологик мазмун моҳиятини синергетик нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда инсоният истиқболларини олдиндан белгилаб бериш муҳим аҳамият касб этиши асосланади. Шунингдек, глобалистика фанининг назарий категориал аппарати, умумфалсафий ривожланиш қонуниятлари ва жамият ҳаётидаги назарий-амалий аҳамияти синергетик нуқтаи назардан кўриб чиқилиши аҳамиятли ҳисобланади.

2. Синергетика туфайли глобал ривожланиш жараёнида янги моддий шакллар ва янги структуравий босқичларнинг пайдо бўлишини ифода этувчи табиий-илмий тамойиллар ёритиб берилмоқда. Ҳозирги даврда жаҳонда юз бераётган мамлакатлар ва халқлар ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий тангликлар шароитида синергетик таҳлил – етакчи тафаккур услуги ҳамда оламга янгича қараш усули сифатида ривожлантирилмоқда. Мазкур ёндашув асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш, уйғунлик ҳамда очиқ мулоқот етакчи кучга айланиши лозим бўлади.

3. Трансмиллийлаштириш феномени мамлакатнинг истеъмоли ва ишлаб чиқаришининг бир қисми, даромадлари, шунингдек, мамлакатнинг экспорти халқаро марказларнинг қарорлари билан чегарадан ташқарида белгиланишига олиб келади. Ушбу тизимда етакчи ўринни трансмиллий корпорация (ТМК)лар эгаллаб турибди, улар бир вақтнинг ўзида халқаролаштириш ва унинг натижалари бўйича асосий рол ўйнамоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви барча давлатларга таъсир кўрсатмоқда. Натижада рақобатбардошлик, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги каби параметрлар ўзгармоқда.

4. Келажакнинг хавfli муқобиллари ҳозирнинг ўзидаёқ инсоният ижтимоий маконида пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари, маълум вазиятларда одатий бўлиб қолган ҳақиқий ва яширин хавф-хатарлар, маълум бир лаҳзада тўсатдан (ички сабаблар натижасида) чинакам глобал фалокатга айланиб кетиши мумкин.

5. Ҳозирги дунёда тартибсиз тенденциялар тобора авж олмоқда. Нафақат учинчи мингйиллик бошидаги маълум глобал вазият, балки XX аср ижтимоий-тарихий тажрибаси ҳам ижтимоий тараққиёт мураккаб ночизиқли табиатга эгаллигини тасдиқлаяпти. Тарихий тажриба ва сўнгги йиллардаги ҳалокатли

воқеалар шуни кўрсатдики, сиёсатдаги монокаузал ва чизиқли фикрлаш кескин ижтимоий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

6. Жаҳон ҳамжамияти антропоген таъсирдан инсониятнинг ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатмасдан тикланадиган қулай муҳитга шошилиш эҳтиёж сезмоқда. Инсониятнинг келажаги атроф-муҳит ҳолати билан бевосита боғлиқ бўлиб, сайёрамиз аҳолисининг ушбу муаммога бўлган муносабатига тўлиқ боғлиқдир. Глобаллашув жараёнининг асосий муаммоси шундан иборатки, замонавий дунё нафақат тезкор қабул қилинган қарорлар даражасида, балки концептуал жиҳатдан ҳам хатарларга самарали жавоб бера олмайдиган бўлиб қолди.

7. Сўнгги уч асрда инсониятнинг кенг миқёсдаги иқтисодий фаолияти глобал экологик манфаатлар ҳисобга олинмасдан амалга оширилди ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолнинг назоратсиз ўсиши, табиий ресурслар ва энергияни беҳуда сарф қилиш билан тавсифланади. Прогрессив ривожланаётган глобаллашув дунёси, яъни истеъмолчиларнинг бирлашиши ва ижтимоий яқинлашиш глобаллашуви, принципал жиҳатдан одамларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартиришни талаб қиладиган кенг кўламли инқирозларга тайёр эмаслигини кўрсатди.

Фикримизча, глобаллашувнинг келажагини башорат қилишдан олдин технология тарихига назар ташлаш керак. Шу ўринда К.Ж.Туленованинг фикрича: «Илмий башорат – бу, ўтмиш ва бугуннинг номаълум ҳодисалари (нарсалари, жараёнлари, қонунлари, далиллари ва ҳок.) шунингдек, машҳур назариялар, қонунлар, гипотезалар асосида хулоса сифатида илгари суриладиган келажак ҳодисаларига нисбатан улар ҳақидаги тахминлардир» [2, - Б. 45]

Бугунги тўртинчи саноат инқилобига дунё етти буюк технологик даврни босиб ўтди. Уларнинг ҳар бирининг охирида иқтисодий инқироз юзага келди. Яъни саноатлаштириш даври гуллаб-яшнаса, иқтисодиёт жадал суръатларга эга бўлади. Кейин бозорда вакуум пайдо бўлади, янги технология пайдо бўлганда, уни ишлаб чиқаришга тўлиқ қўшиб бўлмайди ҳамда эски технология эскиради ва натижада инвесторларга сармоя киритиш учун жой қолмайди, капитал айланмай қолади ва ўз-ўзидан қолади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий инқирозга олиб келади. Ва энди биз бундай циклнинг охирида турибмиз. Кейинги бир неча йил ичида булутли технологиялар ва рақамли иқтисодиёт кенг қўлланилади. Шунда глобаллашув жараёни янада тезлашади.

Мамлакатимизнинг глобаллашув жараёнидаги мақсад ва вазифаларида «Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислохотларимизнинг яққол ифодаси [1,-Б. 11-19] потенциал имконият эканлиги ҳақида тўхталиб ўтилади.

Хулоса қилганда, мана шундай тараққиёт орзусини амалга оширишда глобаллашув ижобий пульс беради. Глобал тафаккур тарзини шаклланиши мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясининг муҳим драйвери бўлиб хизмат қилади. Глобал тафаккур тарзида миллий ривожланишимизнинг кўлами ва мазмунини янгича тушуниш ҳамда унинг диалектик ва синергетик жиҳати муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. -Б.11.,19
2. Туленова К.Ж. Предвидение и реальность. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. – Б.45.
3. Kadirova N. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688.
- 4.КАДИРОВА Х. МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКГА ИЖТИМОЙЛАШУВ, МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ //UNIVERSITETI XAVARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324. , Б.-113-116
5. X Kadirova, A Sheraliev. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В8. – Б. 1690-1694
6. Y Kadirova.ENSURING NATIONAL SPIRITUAL SECURITY UNDER GLOBALIZATION//Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В7. – Б. 1373-1377.
7. Buvabayevna N. et al. The role of museums in saving the national identity of Karakal Pakistan //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 4. – С. 116-120.
8. Новейший философский словарь. – Минск, 1999. – С. 18.
9. Kadirova Yakitjan Buvabaevna, Kadirova Khalima Buvabaevna. METHODOLOGICAL BASIS OF DEVELOPMENT OF LEGAL IMMUNITY OF STUDENTS ON THE BASIS OF A SUBJECT-ETHICAL APPROACH. Journal of Pharmaceutical Negative Results. 2022/12/23. Pp.6480-6487. DOI: <https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S09.771>
10. Кадирова Х. Б. Миллий идентиклик ва миллий ўзликни англаш муаммоларини социологик тадқиқ этиш методологияси //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-1.Б.142-150
11. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
- 12.Hayitboy D. Kholmiraev, Khalima B. Kadirova. CENTRAL ASIA IS AN INTEGRAL PART OF WORLD CIVILIZATION. EPRA International Journal of. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. ISSN: 2455-3662. Pp 404-407. Volume: 7 Issue: 5 May 2021. DOI:10.36713/epra2013/

https://eprajournals.com/jpanel/upload/853pm_73.EPRA%20JOURNALS%203972.pdf